

## Яхшилик жаннатга бошлайди



17:00 / 09.12.2018 3440

Ҳар бир жамиятнинг мустаҳкамлиги ва унинг аъзолари орасида ўзаро ишонч ҳукм суриши учун садоқат зарурдир. Шунинг учун ҳам садоқат жамият тузилишидаги асосий қадриятлардан бўлиб, халқларнинг тараққиёти, рамзи ҳамдир. Қаерда мана шу сифат йўқолса, ўрнига ишончсизлик келади ва ўзаро ёрдам йўқолади. Садоқат жамият учун зарур нарса бўлгани учун оила ва тарбия муассасаларида катта аҳамиятга молик нарса бўлиши керак. Чунки у барча яхшиликларнинг боши ҳисобланади. У орқали кишилар ўртасида ишонч ришталари мустаҳкамланади, ўзаро ҳурмат-эътибор ҳукм суради. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло мусулмонларни бу сифат билан сифатланишга чақирган:

﴿الصّٰدِقِيْنَ مَعَكُمْ وَاَللّٰهُ اَتَقْوٰءَ اٰمَنُوْا الَّذِيْنَ يَتَّٰمِنُوْنَ﴾

**«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга тақво қилинглр ва содиқлар ила бирга бўлинглр!»** (Тавба сураси, 119-оят).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

**«Сизлар ростгўйликни лозим тутинглр. Чунки ростгўйлик яхшиликка бошлайди. Яхшилик эса жаннатга бошлайди. Киши рост гапираверса ва ростгўйликни иташда бардавом бўлаверса, Аллоҳнинг ҳузурида «сиддиқлардан» деб ёзилади. Сизлар ёлғондан ҳазир бўлинглр, чунки ёлғон фужурга бошлайди. Фужур эса дўзахга бошлайди. Киши ёлғон гапираверса ва ёлғончиликни иташда бардавом бўлаверса, Аллоҳнинг ҳузурида «каззоблардан» деб ёзилади».**

*Тўртовлари ривоят қилишган.*

Ушбу ҳадисда садоқат ёлғончиликнинг тескариси, яъни ростгўйлик маъносида келган.

Садоқатнинг турларидан бири омонатдир. Омонат эса инсондаги энг олий сифатлардан ҳисобланиб, ҳар бир жамият унга муҳтождир. Омонатли бўлиш кўп яхшиликлар келтиради. Шунинг учун ҳам Ислом уни мусулмонларнинг сифатидан деб эътиборга олади. Аллоҳ мусулмонларни мадҳ қилиб шундай дейди:

﴿رَاعُونَ وَعَهْدِهِمْ لَأَمْنًا عَلَيْهِمْ هُمْ وَالَّذِينَ﴾

**«Улар омонатларига ва аҳдларига риоя қилувчилардир»** (Муъминун сураси, 8-оят).

Садоқатнинг турларидан яна бири ваъдага вафоли бўилшдир. Бу сифат ҳам керакли сифатлардан бўлиб, ҳаётда катта обрў ва муваффақиятга сабаб бўлади. Ҳозирги кунда маданиятли халқларнинг барчаси иложи борича ушбу сифатга эга бўлишга уринадилар. Аллоҳ мусулмонларни ваъдага вафо қилишга чақириб, Ўз пайғамбарларидан бири Исмоил алайҳиссалом шундай сифатга эга бўлганлигини эслатиб шундай марҳамат қилади:

﴿نَبِيًّا رَسُولًا وَكَانَ الْوَعْدِ صَادِقًا كَانَ إِنَّهُ إِسْمَاعِيلَ الْكَتَبِ فِي وَادِّكَرْ﴾

**«Ва Китобда Исмоилни эсла. Албатта, у ваъдасига содиқ эди ҳамда расул ва набий бўлган эди» (Марям сураси, 54-оят).**

***“Иймон” китобидан***